# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 26 апрель, № 81 (5248) Сешанба


## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

# ЎЗБЕКИСТОН: ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Тошкентда 22 — 23 апрель кунлари Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш, шунингдек, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш бўйича чуқур ва изчил ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ҳамда мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги босқичига оид вазифаларни кенг кўламда амалга ошириш юксак самараларини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Анжуманда дунёнинг 46 мамлакатидан 200 нафардан ортиқ хорижлик олим, эксперт ва жамоат арбоблари, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, мамлакатимиз олимлари, мутахассислари, парламентимиз аъзолари, фуқаролик институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари иштирок этди.

Ялпи ва секцияларга бўлинган мажлисларда иштирокчилар замонавий демократик ривожланишнинг муҳим масалалари — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш масалаларини муҳокама қилди. Бунда Ўзбекистонда мазкур устувор соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" маърузасида уларни чуқурлаштириш бўйича баён қилинган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, бошқа демократик мамлакатларнинг бу йўналишлардаги тажрибаси ҳам кўриб чиқилди.

Самарадорлиги бутун дунёда кенг эътироф этилган мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича "ўзбек модели"нинг амалга оширилиши истиқлол йилларида Ўзбекистоннинг тараққиётга эришиш йўли ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган беш машҳур тамойилга асосланган ҳолда, пухта ўйланган, изчил ҳамда босқичма-босқич ислоҳотлар бунда муҳим омил бўлмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожланаётгани, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг самарали тизими яратилгани, фуқаролик жамияти институтларининг жадал ривожланаётгани, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигининг сезиларли даражада ошгани ҳам шундан далолат беради.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида "ўзбек модели" ўзининг нақадар ишончли ва асосли эканини ёрқин намоён этди. Ҳолбуки, ушбу инқироз оқибатлари дунёнинг аксарият давлатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга катта салбий таъсир кўрсатди. Конференцияда хорижий экспертлар Ўзбекистон бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш билан бирга, Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида барқарор ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратганини таъкидладилар. Масалан, 2009 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етди. Бу тенденция жорий йилда ҳам сақланиб қолмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги ва мувозанати, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари, давлат бюджети профицити, савдо ва тўлов баланси, экспорт ҳажми, олтин-валюта захиралари ўсиши таъминланди. Иқтисодиётни янада диверсификация қилиш, молия-банк тизими барқарорлиги ва ишончлилигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, экспортчи корхоналар, шунингдек,

(Давоми 2-бетда).

### Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

Шу йилнинг 22 — 23 апрель кунлари пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳақидаги маърузасининг асосий қоидаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган муваффақиятлар хусусида маърузалар қилинди, фикр-мулоҳазалар билдирилди, Концепциянинг асосий вазифалари таҳлил этилди. "Халқ сўзи" мухбири конференцияда айрим иштирокчиларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

# МАМЛАКАТНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ

## Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсадидир

**Кристоф ХОЭППИЛ, сиёсатчи (Германия):**

— Президент Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига йўллаган табригида келтирилган рақамларни таҳлил қилиб, шунга амин бўлдимки, юртингизда рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Хусусан, мамлакатингизда нисбатан қисқа даврда — 20 йилда одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етгани, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайгани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар самарасидир.

Шу маънода айтганда, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Концепциядаги қонунчилик ташаббуслари ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлашига ишонаман. Биргина мисол. Яқинда давлат Конституциясига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг бу борадаги аҳамияти жуда катта. Чунки ҳукуматни шакллантиришда сиёсий партияларга конституциявий ҳуқуқ ва ваколатлар берилиши ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлигини оширади. Германияда ҳам, Асосий Қонуннинг 67-моддасига мувофиқ, канцлер ўз фаолияти учун Бундестаг, яъни парламент олдида сиёсий жавобгардир. Бу таомил мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ҳукумат томонидан самарали рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

**Димитрос БАКОЛАС, "European Profiles S.A." компанияси раҳбари (Греция):**

— Мен Тошкентда бир неча маротаба бўлганман. Бу галги ташрифимдан таассуротларим янада бойиб, Ўзбекистоннинг

(Давоми 2-бетда).

# САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ ОШКОРАЛИГИ

## юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади

***Урганч шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган амалий семинар бўлиб ўтди.***

Унда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзолари, ишчи гуруҳ вакиллари, вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси ходимлари, фуқаролар йиғинлари фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўларок, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳаётимизда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Буни Хоразм вилоятидаги 654 та маҳалла фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда улар ижтимоий-иқтисодий масалалардаги 30 дан зиёд вазифани бажариб, фуқаролик жамияти институтининг бирламчи бўғини сифатида ўзини намоён этмоқда.

— Бўлажак сайловлар маҳалланинг ўрни ва нуфузини янада ошириш, пировардида Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида илгари сурилган Концепциясида белгилаб берилганидек, фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси, вилоят кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Р. Қутлумуродов. — Зеро, сайловда вилоятимиз бўйича 654 та фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 5900 дан зиёд маслаҳатчилари сайланади. Ушбу масъулиятли лавозимларга халқ орасида обрў-эътибор қозонган, одамларни ортидан эргаштира оладиган кишиларнинг танлаб олиниши юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда қўл келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ишчи гуруҳлар ана шундай номзодларни танлашга эътибор қаратмоқда. Семинарда ҳам ушбу омил алоҳида таъкидлаб ўтилди.

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ҳуқуқий асослари, сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тузилган кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳлар вазифалари хусусида сўз юритилди. Чунки мазкур омиллар сайлов жараёнлари муваффақиятли ўтишига хизмат қилади.

Шунингдек, семинарда бу жараёнлар билан боғлиқ бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди ҳамда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – РИВОЖЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

***Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини кафолатли равишда таъминлаш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, ғалладан мўл ҳосил етиштирилиб, дон мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланмоқда. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, уруғчилик тўғри йўлга қўйилгани, айниқса, муваффақиятлар гарови бўлаётир.***



### Ислоҳот

Дарҳақиқат, мутахассисларнинг айтишича, ғаллачиликда ҳосилдорликнинг юқори бўлиши, кўп жиҳатдан, сифатли уруғга боғлиқ. Давлатимиз раҳбари ушбу масалага тўхталар экан, ҳар бир вилоят, туман, қолаверса, хўжаликнинг ўз нави бўлишини алоҳида таъкидлайдилар. Зотан, навни тўғри танламаган деҳқоннинг меҳнати самарали бўлмайди. Халқимизнинг асрлар давомида ўз исботини топиб келаётган "Сара уруғ — ҳосил бўлиқ" ҳикмати замирида ҳам ана шу ҳаётий ҳақиқат мужассам.

Шу боисдан республикамизда уруғлик дон тайёрлашга мўл ҳосилнинг мустаҳкам пойдевори сифатида жиддий эътибор қаратилаётир. "Ўздонмаҳсулотлари" акциядорлик компанияси тизимидаги янгиланишлар бунга яққол мисол бўла олади. Гап шундаки, уруғлик цехлари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага жаҳоннинг илғор ютуқларини татбиқ этиш мақсадида тизимда технологик жиҳатдан модернизациялаш ишлари амалга оширилмоқда. Табиийки, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тегишли Дастур бунда муҳим омил бўлаётир.

(Давоми 3-бетда).

### 26 апрель — «Амир Темур» ордени таъсис этилган кун

***Истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида ҳақиқат, адолат, инсонга бўлган эъзозу ғамхўрлик олий даражада ўз ифодасини топаётир.***

# МИЛЛАТ ИФТИХОРИ, ФАХР ВА ҒУРУРИ

Эътиборлиси, ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққиёти, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни рағбатлантиришга қаратилган, тарихий анъаналаримизни, қадриятларимизни, орзу-интилишларимиз ҳамда порлоқ истиқболимизни акс эттирган давлат мукофотлари ва унвонлари таъсис этилди. Ватанимизнинг миллатимиз ифтихорига айланган, ана шундай энг юксак орденларидан бири Амир Темур номи билан аталиши бежиз эмас.




Мустақиллик йилларида Амир Темур номи халқимизнинг фахру ғурурига айланди. Бу улуғ саркарда нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахслардандир. Унинг ҳаёти, фаолияти, авлодларига қолдирган бой мероси асрлар оша халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз бошчилигида яратилган бетакрор тарихий обидалар, осориатиқалар ҳанузгача темурийларга хос куч-қудрат, боқийлик тимсоли сифатида эътироф этилаётир. Айтиш лозимки, мустақил мамлакатимиз тақдирида бобомизнинг орзу-умидлари ушалмоқда. Муаззам юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари бунга ёрқин мисолдир. Бу борада Амир Темурнинг "Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг", деган пурмаъно сўзлари унинг бунёдкорлик борасидаги бетимсол қудрати, асрларга татигулик эзгу ишларига яна бир далолатдир.

Маълумки, жорий йилда Соҳибқироннинг 675 йиллик таваллуд тўйи кенг нишонланди. Унинг арафасида Президентимиз таклифига кўра, улуғ бобокалонимизнинг "Темур тузуклари" асари мукаммал ҳолда янгитдан чоп этилди. Китобда Юртбошимиз сўзбошида таъкидлаганидек, улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган.

"Амир Темур" ордени 1996 йилда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланган қутлуғ сана арафасида Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилди. Пировардида бу бетакрор тимсол юртимизда тарихий анъаналаримиз, эзгу қадриятларимиз қайта тикланаётганининг яна бир далили бўлди.

"Амир Темур" ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун мукофотланадилар. Шунингдек, бу юксак мукофот билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни

(Давоми 2-бетда).

# БИЗГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДАН МИННАТДОРМИЗ

***Ҳадемай, 90 ёшни қаршилайман. Умрим давомида қанчадан-қанча синовларни бошдан ўтказдим, ҳаётнинг усту баландликларига гувоҳ бўлдим. Гарчи, ёшликнинг завқини, гаштини бугунги авлод вакиллари сингари суриш насиб этмаган бўлса-да, истиқлол шарофати, Президентимизнинг беқиёс ғамхўрликлари туфайли биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор, эъзоз ва мурувватдан кўнглим тоғдек кўтарилиб, ўзимни гўёки яна ёшариб бораётгандек ҳис қилаяпман.***

Ҳозир қаерга бормайлик, давраларнинг тўри бизники. Ҳолимиздан қўни-қўшнию маҳалла-кўй доимо хабардор. Айниқса, байрам кунлари йўқловчилар янада кўпаяди. Фарзандларимиз, невараларимиз ўзлари севган касбда ишлашаяпти, замонавий даргоҳларда билим олишаяпти. Бундан ортиқроқ бахт борми дунёда? Шунинг учун ҳам қўлларимизни дуога очганда, мана шундай дориламон кунларга етказганига шукроналар айтамиз, тинч ва фаровон ҳаётимизга ҳеч қачон кўз тегмасин, дея ният қиламиз.

Одатда, уйда ўтирганимда телевизор томоша қиламан, газета, журнал ўқийман. Фарзандларим "Ўзингизни кўпам уринтириб қўйманг, яхшилаб дам олинг", дея менга далда беришади. Аслида эса бундан мен роҳат оламан. Негаки, телевизорда ҳали водийдаги ўзгаришларни, ҳали Самарқанду Бухородаги янгиланишларни кўрсатишади, газеталаримизда яхши-яхши мақолалар чоп этилади. Уларни кузатиб, худди саёҳатга чиққандек ҳис қиламан ўзимни. Мана, пойтахтимизни айтмайсизми? Ҳозир жуда катта ўзгаришлар бўлаяпти. Буниям куни кеча газетадан ўқиб билдим.

### Дил сўзи

Ёш бир жойга борганидан кейин қарилик барибир билина бораркан. Лекин кўнгил қурғур ҳеч қўймайди. Ташқарига чиқсам, кўчаларимиздаги ўзгаришларни ўз кўзим билан бориб кўрсам, дейман. Баъзан ўғилларим мени Мустақиллик майдонига, Амир Темур хиёбонига олиб боришади. Барака топишсин. Ўша ерда бир оз тин олиб, ҳордиқ чиқараман. Кўм-кўк майсазорлар, фавволарнинг шовуллаб турган овозидан руҳим енгил тортади. Муҳташам биноларни кўриб, Юртбошимизнинг дидига, меъморлигига, бунёдкорликдаги салоҳиятига яна ва яна қойил қоламан.

Биз ҳаётда кўп машаққатларни бошдан кечирганимиз учун ҳам ёшларга насиҳат қилганда "Бугунги куннинг, тинчликнинг қадрига етинглар, элга муносиб фарзанд бўлинглар", дея уқтирамиз. Чунки ҳеч бир замонда одамлар ҳозиргидек қадрланмаган, уларга бундай эътибор кўрсатилмаган. Мана, ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни юртимизда катта байрам сифатида нишонланади. Бу қутлуғ санада бизларга яна бир карра алоҳида ғамхўрлик қилиниб, ўтганлар руҳи хотирланади. Бу гал ҳам Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонини ўқиб, жуда хурсанд бўлдик. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига бир марталик пул мукофоти белгиланиб, уни тантанали ва байрамона тарзда топшириш таъкидланган. Бу ҳам кучимизга куч қўшади, руҳимизни янада кўтаради.

Президентимиз халқимизнинг бир гапини бот-бот такрорлайдилар: "Қариси бор уйнинг париси бор". Қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор" деб. Азалий қадриятларимизга, анъаналаримизга содиқ қолиб, мана шундай оқилона сиёсат юритаётган Юртбошимиз ҳам доимо соғ-омон бўлсинлар, барака топсинлар. Биз уларни дуо қилишдан чарчамайлик.

**Убайдулло ИБРАГИМОВ,**
**уруш ва меҳнат фахрийси.**
Мирзо Улуғбек тумани

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ – РИВОЖЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



Компаниядан олинган маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар уруғлик донни дастлабки тозалашда Россияда ишлаб чиқарилган “А1-БИС-100” русумидаги сепараторлардан фойдаланилар эди. Техник кўрсаткичлари нисбатан паст бўлган ушбу ускуналар анчайин эскириб, замонавийсига алмаштирилиши тақозо қилинаётганди. Лекин “Янги ускуналар қаердан, қайси фирмадан олинади?” деган савол кўндаланг турарди. Унга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, соҳага алоқадор илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирокида жавоб изланди. Россия, Украина, Испания, Дания ва Германия сингари давлатларнинг илғор компаниялари маҳсулотлари ҳар томонлама ўрганилиб, Германиянинг “PETKUS” фирмасининг технологик линиялари маъқул кўрилди. Натижада ушбу фирма вакили Ўзбекистонга келиб, модернизация қилинадиган 16 та корхонанинг 21 та уруғлик цехини ўрганиб чиқди. Шартномага биноан, жорий йилнинг март ойида энг сўнгги русумдаги ускуналар олиб келиниб, монтаж ишлари бошлаб юборилди.

— Ўзбекистонда кейинги йилларда сифатли уруғлик етказиб беришга эътибор янада кучайди, — дейди “PETKUS” фирмасининг вакили Фёдор Франц. — Бунга технологик линияларни ўрнатиш жараёнида ўзим гувоҳ бўлдим. Фирмамизда ишлаб чиқарилган технологияларнинг тўрттаси Андижон вилоятига етказиб берилди. Улар ёрдамида соатига 20 тонна уруғлик дон тайёрланади. Эътиборли томони, донни тозалашдан то қопларга жойлашгача бўлган технологик жараён ушбу цехнинг ўзида бажарилади.

Замонавий цехларни жорий йилнинг уруғлик тайёрлаш мавсумига қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган эди. Бугунга келиб, Андижон, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида янги цехлар ишга туширилгани, Фарғона, Наманган, Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида ҳам модернизациялаш ишлари якунланиш арафасида тургани қувонарлидир. Бу ерга хориж фирмасининг “U12-2,4”, “U15-2,4” русумли универсал сепараторлари, уруғлик донни иккиламчи тозалаш ва саралаш учун эса “M12-3,6”, “M15-3,6” русумли сепараторлари ўрнатилди.

— Мазкур сепараторларнинг афзал жиҳатлари кўп, — дейди компания бош мутахассиси Дўстмуҳаммад Шалов. — Унинг элаклари махсус қопламали металлдан тайёрланган бўлиб, уруғлик дон тозалаш жараёнида шикастланмайди. Қолаверса, юқори ярусдаги металл элакларнинг устки ва остки қисмини тозалаб турадиган махсус мосламалар ўрнатилган. Бу каби қулайликлар туфайли дон вазни бўйича сараланиб, бегона ўсимликларнинг уруғлари ушлаб қолинади. Энг муҳими, дорилаш мосламаси аниқ ишлаши билан ажралиб туради. Табиийки, буларнинг барчаси фермер хўжаликларига тоза ва сифатли уруғликни қисқа фурсатларда етказиб бериш имконини яратади.

Таъкидлаш керакки, янги цехларда иш бошлангач, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади. Чунки ҳар бир вилоятнинг ўзида уруғлик тайёрлаш йўлга қўйилиб, донни олиб келиш учун сарфланадиган транспорт харажати камаяди. Электр энергиясини эса 30 фоизгача иқтисод қилиш имконияти туғилади.

Қадоқлаш ускунаси замонавийлиги, электрон тарози ўрнатилганлиги билан фермерлар оғирини енгил қилади. Сабаби, унинг ёрдамида эҳтиёждан келиб чиқиб, исталган миқдордаги уруғликни қадоқлаш мумкин.

Замонавий уруғлик цехларига техник сервис хизматлари кўрсатиш масаласи ҳал этилгани алоҳида эътиборга моликдир. Бу юмушлар ускуналарни монтаж қилиш ва созлашга ихтисослаштирилган “Олтин хирмон” масъулияти чекланган жамиятининг Техник сервис маркази томонидан бажарилади.

— Биз технологик ускуналарнинг кафолат муддати давомидагина эмас, ундан кейин ҳам узлуксиз ишлашини таъминлаймиз, — дейди марказ раҳбари Руслан Иванов. — Бундан ташқари, зарур эҳтиёт қисмлар етказиб бериш вазифасини ҳам ўз зиммамизга олганмиз. Бу жараёнда “PETKUS” фирмасининг мутахассислари яқиндан кўмак беришади.

Айни пайтда “PETKUS” фирмасида ишлаб чиқарилган технологик линияларнинг шу каби афзалликлари инобатга олиниб, яна иккита ана шундай ускуна олиб келиш ҳаракатлари бошлаб юборилди. Улар Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида ишга туширилади. Демак, республикамизнинг барча минтақаларида фермерлар эҳтиёжига яраша сифатли ва унувчанлиги юқори бўлган уруғлик дон тайёрлаш тўлиқ йўлга қўйилмоқда. Бу ғаллакорларимизнинг дон хирмонлари тобора юксалишига, ризқ-рўзимиз мўл бўлишига хизмат қилади, албатта.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ**
**олган суратлар.**

## Яхши хабарлар

***Гулистон шаҳридаги мотоцикль ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Пана” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ўз фаолиятини кенгайтирди.***

### Корхона фаолияти кенгайди

Бунинг учун “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ажратилган 360 миллион сўмлик кредит қўл келди. Ушбу сармоя эвазига корхонага Хитойдан замонавий технологиялар олиб келиниб, 56 киши иш билан таъминланди.

Айни пайтда қўшма корхонада ойига 150 дона “Мунис — 120” русумли мотоцикль тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Заркентнинг бежирим мебеллари

***Қўшработ туманидаги “Заркент Бахт савдо” масъулияти чекланган жамияти фаолияти кенгайди.***

Натижада йўлаклар учун плиталар тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур корхонада мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун Хитойдан 145 миллион сўмлик замонавий технологиялар келтирилиб, 12 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

Айни пайтда корхонада ойига 15 миллион сўмлик бежирим мебеллар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ МОЛИЯВИЙ МАДАДКОРИ

***Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ва касаначиликни ривожлантириш ҳақида гап кетганда, албатта, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банкининг номи тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки мазкур молия муассасаси ўтган қисқа давр ичида тадбиркору ишбилармонларнинг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкорига айланди.***

Бошқача қилиб айтганда, замонавий банк хизматлари билан иқтисодиётнинг барча соҳаларини жадал ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Буни банкнинг Хоразм вилояти филиали фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугунги кунда мазкур вилоятда 11390 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 71,8 фоизи, иш билан банд бўлган аҳолининг 78 фоизи уларнинг улушига тўғри келмоқда. Банкнинг 5 та туман филиали ва 14 та минибанки орқали жойларда тезкор ва сифатли банк хизматлари кўрсатилиб, шу йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларга 4 миллиард 79 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бунинг эвазига 1302 та янги иш ўрни яратилди. Устувор режага кўра, йил охиригача мазкур соҳага барча манбалар ҳисобидан 20 миллиард 15 миллион сўмлик кредитлар йўналтириш, пировардида 8 мингтадан зиёд янги иш ўринлари очиш мўлжалланган.

— Фаолиятимиз кенгайиб, мижозлар билан ҳамкорлигимизнинг мустаҳкамланишида Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриламал бўлмоқда, — дейди банкнинг Хоразм вилояти филиали раҳбари Ғайрат Ромонов. — Мазкур Фармон зиммамиздаги

## Хизмат

масъулиятни ошириш баробарида, мижозларга ҳам қатор қулайликлар яратиб берди. Унинг изчил ижроси таъминланиб, мижозларга кам фоизли ва имтиёзли шартларда хизматлар таклиф этилмоқда. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлар сафининг янада ортишига хизмат қилаяпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнес субъектлари, шу жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун 1 миллиард 268 миллион сўмликдан зиёд микрокредитлар ажратилгани бунга мисол бўла олади.

Таъкидлаш керакки, банк жамоаси хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Натижада, айниқса, қишлоқларда ҳунармандчилик, тикувчилик, қандолатчилик, тўқувчилик сингари аёлларга хос ўнлаб меҳнат турлари ривожланаяпти. Масалан, 2011 йилнинг дастлабки уч ойида 103 нафар тадбиркор аёлга 492 миллион сўмлик кредит ажратилгач, уларнинг фаолияти кенгайиб, 280 та янги иш жойи очилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 375 миллион сўмлик микрокредитлар йўналтирилиши ҳисобига эса яна 98 нафар киши муқим иш жойига эга бўлди.

Шу билан бирга, 693 миллион сўмликдан ортиқ микролизинг хизматлари кўрсатилди. 410 миллион сўм маблағ ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун 44,6 миллион сўмлик микрокредитлар берилди.

Айни пайтда банк филиали жамоаси “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида соҳага молиявий хизматлар кўрсатишни янада яхшилаш, ҳар бир маҳалла ва оилага кириб бориш орқали янги тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш мақсадида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Изчил олиб борилаётган бундай чора-тадбирлар тез кунларда ўзининг ижобий самараларини бериши, шубҳасиз.

**О. ЖУМАНИЁЗОВ.** t

# «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

IPOTEKA BANK

**«Баҳор совғаси» ютуқли омонати бўйича 2011 йил 20 апрелда Олмалиқ шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Ютуқ миқдори (сўм) | Вилоят филиали | Туман (шаҳар) филиали | Жамғарма касса рақами | Омонат ҳисоб рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2 777 544 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-502 |
| 2. | 1 388 772 | Тошкент вилояти | Чирчиқ | № 02 | 20606870-12 |
| 3. | 1 388 772 | Тошкент вилояти | Олмалиқ | № 28 | 20606870-1 |
| 4. | 601 801 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 30 | 20606870-2 |
| 5. | 601 801 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-303 |
| 6. | 601 801 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-61 |
| 7. | 601 801 | Наманган вилояти | Наманган | № 14 | 20606870-1 |
| 8. | 370 339 | Тошкент шаҳри | Ҳамза | № 36 | 20606870-6 |
| 9. | 370 339 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-213 |
| 10. | 370 339 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-278 |
| 11. | 370 339 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 03 | 20606870-8 |
| 12. | 370 339 | Жиззах вилояти | Жиззах | № 05 | 20606870-16 |
| 13. | 370 339 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-244 |
| 14. | 264 528 | Андижон вилояти | Андижон | № 01 | 20606870-6 |
| 15. | 264 528 | Бухоро вилояти | Сардор | № 01 | 20606870-6 |
| 16. | 264 528 | Тошкент шаҳри | Юнусобод | № 07 | 20606870-2 |
| 17. | 264 528 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-532 |
| 18. | 264 528 | Наманган вилояти | Наманган | № 01 | 20606870-66 |
| 19. | 264 528 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 32 | 20606870-1 |
| 20. | 264 528 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 27 | 20606870-17 |
| 21. | 208 316 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-190 |
| 22. | 208 316 | Наманган вилояти | Наманган | № 08 | 20606870-1 |
| 23. | 208 316 | Фарғона вилояти | Фарғона | № 15 | 20606870-2 |
| 24. | 208 316 | Наманган вилояти | Наманган | № 13 | 20606870-2 |
| 25. | 208 316 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-211 |
| 26. | 208 316 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 03 | 20606870-9 |
| 27. | 208 316 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 03 | 20606870-29 |
| 28. | 208 316 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-538 |
| 29. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Олмазор | № 11 | 20606870-1 |
| 30. | 164 595 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | № 03 | 20606870-39 |
| 31. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 20 | 20606870-10 |
| 32. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 17 | 20606870-1 |
| 33. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 03 | 20606870-51 |
| 34. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 36 | 20606870-8 |
| 35. | 164 595 | Тошкент вилояти | Оҳангарон | № 03 | 20606870-28 |
| 36. | 164 595 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-114 |
| 37. | 164 595 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 03 | 20606870-10 |
| 38. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 23 | 20606870-1 |
| 39. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 27 | 20606870-9 |
| 40. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-416 |
| 41. | 129 619 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-1 |
| 42. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 14 | 20606870-24 |
| 43. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Яккасарой | № 01 | 20606870-21 |
| 44. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Яккасарой | № 01 | 20606870-9 |
| 45. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-517 |
| 46. | 129 619 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-128 |
| 47. | 129 619 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 01 | 20606870-9 |
| 48. | 101 002 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-289 |
| 49. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Сергели | № 01 | 20606870-1 |
| 50. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-352 |
| 51. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-214 |
| 52. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-350 |
| 53. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-325 |
| 54. | 101 002 | Наманган вилояти | Наманган | № 01 | 20606870-30 |
| 55. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-256 |
| 56. | 101 002 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-155 |
| 57. | 101 002 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-281 |
| 58. | 101 002 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 11 | 20606870-3 |
| 59. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-177 |
| 60. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Миробод | № 38 | 20606870-5 |
| 61. | 77 154 | Андижон вилояти | Андижон | № 01 | 20606870-16 |
| 62. | 77 154 | Самарқанд вилояти | Самарқанд | № 01 | 20606870-91 |
| 63. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Меҳнат | № 20 | 20606870-39 |
| 64. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-47 |
| 65. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-243 |
| 66. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Ҳамза | № 36 | 20606870-2 |
| 67. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 03 | 20606870-43 |
| 68. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Чилонзор | № 01 | 20606870-34 |
| 69. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Шайхонтоҳур | № 03 | 20606870-24 |
| 70. | 77 154 | Тошкент шаҳри | Амалиёт | № 01 | 20606870-3 |

* ***Изоҳ:*** фуқаролар «Баҳор совғаси» омонати бўйича ютуқларини олишлари учун «Ипотека-банк»нинг омонат ҳисобвароғи очилган муассасаларига мурожаат қилишлари ва белгиланган тартибда олишлари мумкин.

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 150-89-56, 150-89-57.**

Ҳайъат раиси — Олмалиқ шаҳар ҳокими в.в.б. **Ж. С. Маҳмудов**

Масъул котиб — «Ипотека-банк» АТИБ Минибанк ва жамғарма кассалар фаолиятини тартибга солиш бошқармаси бош мутахассиси **Ғ. Т. Норқўзиев**

574R/

## Танлов

***Юртимизнинг бир гуруҳ ошпазлари Украинада бўлиб ўтган “Ёш ошпазлар” халқаро танловида иштирок этиб, бир неча номинациялар бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.***

### ЎЗБЕК ОШПАЗЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Танловда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан келган ёш ошпазлар ўз миллий таомлари, турли қандолат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича иқтидорларини намойиш этишди. Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси томонидан иштирок этган Моҳира Жўраева, Мирзали Акбаров, Алишер Жалдибоев, Ислом Муҳаммаджонов бир қатор номинациялар бўйича олтин, кумуш, бронза медаллар ва дипломлар соҳиблари бўлишди.

**С. СУЛАЙМОНОВ.**

«FITO SEMILASS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили




Испаниядан келтирилган
маккажўхори ва чим уруғларини
биринчи экин учун таклиф қилади.
Маълумот учун телефонлар:
(+99897) 100-83-13, (+99898) 313-83-13, (+99893) 382-56-57.
(+99871) 257-44-01, (+99871) 257-44-03, (+99871) 257-58-61(факс).
575R/503

Ташкилот УЛГУРЖИ асосда
СОТИБ ОЛАДИ



- Тозаланган бодом
- Тозаланган ер ёнғоқ
- Қуритилган абрикос (ўрик), данаксиз
- Қуритилган олхўри, данаксиз
- Сариқ майиз
- Қизил майиз
- Йирик қора майиз
- Олий сифатли, тозаланган ёнғоқ

G №002359
Тел.: (+998 93) 555-54-54. E-mail: sabzavot91@mail.ru
558R/249

Ташкилот УЛГУРЖИ асосда G №002359
Янги 2011 йил ҳосилидан олий сифатли



- ҚИЗИЛ ЛАВЛАГИ
- КАРАМ (ЛИОН ва ЗОРРО)

СОТИБ ОЛАДИ.
Тел.: (+998 93) 555-54-54. E-mail: sabzavot91@mail.ru
550R/249

«Potolok-stroy-servis» ХК
Шифт учун Армстронг стандарт гипс плиталари
600 x 600 мм, 610 x 610 мм.
Ассортимент 22 турда.
Тел.: 325-37-77, 370-90-95.
36R/1238



ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР
«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК
ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 400 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 550 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60,40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.
Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

КАРБИД — Қозоғистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 3 950 000 сўм.

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.
227R/227

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Суд тиббиёти, тиббиёт ҳуқуқи, патологик анатомия ва секцион курси кафедраси доценти Нурпулло Нуритовга умр йўлдоши **Мунаввар НУРИТОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

***Инсон хотиралар билан яшайди. Кечаги куннинг машаққатларини эслаб, оғир дамларни бугунги фараҳбахш ҳаёт нуқтаи назаридан муқояса қилсак, тинчлик, эзгулик, яхшиликни улуғлаб яшашга кўпроқ интиламиз. Президентимизнинг ташаббус ва таклифларига биноан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланиши замирида ҳам кишиларни эзгуликка ундаш фалсафаси мужассам. Куни кеча Юртбошимизнинг матбуотда эълон қилинган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эса юртимизда инсон қадри улуғ эканлигини исботловчи яна бир далилдир.***

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

Муҳими шундаки, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорламай, миллий ўзликни англаган ҳолда музаффар аждодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканимизни унутмай яшамоқдамиз. Зеро, бу ёруғ ва дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиш, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч ва осойишта замоннинг қадрига етиш ҳамда шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклаб, янгидан-янги бунёдкорликларга чорлайди.

— Дунёда байрамлар кўп, маросимлар бисёр, аммо инсон қадрини эъзозлайдиган биздагидек шодиёна ҳамма жойда ҳам йўқ, — дейди Тошкент шаҳрилик уруш ва меҳнат фахрийси Фатхулла Нарзуллаев. — Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатига қаратилган. Зеро, инсонга умр бир марта берилади. Ана шу умр давомида одамзод яхши яшашга, ҳаётдан завқланишга, қадрланишга ҳақлидир. Не бахтки, бундай шараф Истиқлол туфайли миллатимизга насиб этди. Умрим давомида кўп нарсани кўрдим. Турли бало-қазолардан омон қолдим. Ўтмишнинг машаққатларини эсласам, халқимизнинг бугунгидек турмуш тарзига кўз тегмасин, дейман. Негаки, умрим давомида бугунгидек фараҳбахш кунларни кўрмаганман...

Халқимизга хос хислатлар ҳақида сўз кетганда, албатта, меҳр-оқибат, хайру саховат, қадр-қиммат каби фазилатлар тилга олинади. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами беқиёс. Шу маънода, ёши улуғларни эъзозлаш биз учун қадриятга айланган. Умрини эл-юрт хизматига бағишлаган ҳамюртларимиздан бири Ойниса Умрзоқова бу ҳақда шундай дейди:




— Инсон ёши ўтиб, кексайган сари ён-атрофдагилардан ширин сўз, меҳр-эътибор кутадиган бўлиб қоларкан. Мана, менинг ҳам ёшим саксондан ошаяпти. Маҳалламиздаги тенгқурларим билан кўришганда, мустақиллик даврига етганимиздан, доно ва меҳрибон Йўлбошчимиз борлигидан фахрланиб гапирамиз. Чунки кексаларни эъзозлаб, барча шарт-шароитни яратиб бериш ҳар қандай юртда ҳам мавжуд эмас. Бу ҳақда кўриб, билиб, ўқиб турибмиз.

Инсон ҳаёт экан, ўз умридан, ўтаётган кунларидан шукуҳ ҳис этиб яшаши керак. Бизнинг давралар тўрида юришимиз Президентимиз ғамхўрлигидан. Маҳалламизда кимдир тўй-маърака қилмоқчи бўлса, мени чақиради, ҳаёт тажрибаларимдан келиб чиқиб йўл-йўриқ кўрсатаман. Айтмоқчиманки, қадрим кишиларнинг эътибори туфайли мағрур экан, нима учун мен ўзимни жамоатчилик ишидан тийишим керак? Аксинча, бугун менинг фикру зикрим одамларга, шу азиз Ватанга хизмат қилишга қаратилган.

Телевизор орқали Президентимизнинг жойларга қилган сафарларини доимо кузатиб бораман. У кишининг, айниқса, қаерга борсалар, оддий кишилар билан дилдан суҳбатлашганларини кўриб, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетаман. Беихтиёр ўзим ишлаган собиқ тузум даврини эслайман. Эртадан-кечгача жонимизни жабборга бериб меҳнат қилсак-да, бизнинг ҳолимиздан ақалли бошлиқларимиз номигагина ҳам хабар олишмасди. Юртбошимизнинг бунчалар ғамхўр бўлиши ҳар бир ватандошимиз учун бебаҳо неъматдир. Илоҳим, ҳаммага бирдек ғамхўрлик қилаётган Президентимиз омон бўлсинлар!

Дарҳақиқат, бу куннинг мамлакатимизда “Хотира ва қадрлаш куни” деб эълон қилинганлиги нақадар чуқур ўйланганини, унинг теран маъно ва мазмунга эга эканини ҳаётнинг ўзи бот-бот тасдиқламоқда. Президентимиз айтганларидек: “Хотира, хотирлаш ҳақида гапирар эканмиз, бу тушунчани қадрлаш тушунчасидан ажратиб бўлмайди. Ҳақиқатан ҳам, бу ёруғ кунларга нима ҳисобидан эришганимизни, бу йўлда қандай оғир курашлар, азоб-уқубат ва йўқотишлар бўлганини, қанчадан-қанча одамлар уруш майдонларида азиз жонини қурбон қилганини англамасак, тушунмасак, бугунги кунимизни, мусаффо осмонимизни, тинч ва осуда ҳаётимизни англаш, унинг қадрига етиш қийин бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда орамизда, сафимизда соғ-саломат, бардам яшаётган, бугунги ҳаётимизга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган уруш қатнашчиларини, муҳтарам ва азиз фахрийларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, уларга ҳар томонлама ҳурматимизни билдириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз”.

Зеро, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир киши, айниқса, ёш авлод мана шу байрам тимсолида ёши улуғларни қадрлаш, саховатга муҳтож кишиларга кўмаклашиш каби олижаноб фазилатларни ўз қалбига сингдирмоқда. Бундай ёндашув эса мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, эл-улус манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб, ўзидан яхши ном қолдирган юртдошларимиз Хотираси ва Қадрига қўйилган Меҳр ҳайкалидир. Беихтиёр шоирнинг ушбу сатрлари ёдга тушади:

***...Баргдек узилиб кетсам,***
***Унутмас мени боғим...***

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

# ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ЛОНДОНДА БЕЛЛАШАДИ

***Жорий йилнинг 4-5 июнь кунлари Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрида кураш бўйича “Ислом Каримов” анъанавий IX халқаро турнири бўлиб ўтади.***

Ўтган ҳафта Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) мутахассислари Лондон шаҳрида бўлиб, ушбу нуфузли мусобақага тайёргарлик жараёни билан яқиндан танишиб қайтишди. Пойтахтимизда халқаро мусобақани ўтказиш билан боғлиқ масалаларга бағишланган матбуот анжуманида КХА вакиллари оммавий ахборот воситалари ходимларига шу ҳақда батафсил маълумот бердилар.

Унда таъкидланганидек, 1998 йил 6 сентябрь куни Тошкентда Осиё, Европа ва Америка қитъасининг 28 давлати вакиллари иштирокида курашни дунё бўйича ривожлантириш мақсадида Кураш халқаро ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу халқаро ташкилотнинг фахрий президенти этиб Юртбошимиз Ислом Каримов сайланди. Ўтган йиллар мобайнида Олимпиада ўйинлари сари дадил интилаётган кураш миллионлаб кишиларнинг севимли спорт турига айланиб улгурди. Айни пайтда дунёнинг 120 га яқин мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатмоқда.

— Кураш бўйича ҳар йили ўнлаб халқаро турнирлар ташкил этилади. Лекин улар орасида 2000 йили Буюк Британия кураш ассоциацияси томонидан асос солиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур ҳурмат ва эҳтиром сифатида “Ислом Каримов турнири” деб номланган мазкур халқаро турнирнинг алоҳида ўрни бор, — дейди КХА бош котиби Умид Ёқубов. — Ушбу мусобақа Европа қитъасида курашни тарғиб этиш билан бирга, ёш полвонлар учун алоҳида маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтамоқда.

Айтиш жоизки, “Ислом Каримов” анъанавий халқаро турнирида иштирок этишни истовчи давлатлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Масалан, бу йилги мусобақада йигирмага яқин мамлакат полвонлари қатнашиш истагини билдирган. Шу сабабли ташкилотчилар навбатдаги халқаро турнирни йирик маданий ва спорт тадбирлари ўтказиладиган, ўн минг томошабинга мўлжалланган “Лондон Соккер Доум” мажмуасида ўтказишга қарор қилишди.

Халқаро турнирда ўн беш нафардан ортиқ полвонимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Санъат

***“Халқ томоша санъати ва миллий ўйинлар” фестивалининг Андижон вилояти босқичи якунланди.***

# Анъаналар тараннуми

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизниараннум этаётган ушбу тадбирда вилоятнинг туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари иштирок этди.

Олтинкўл туманида бўлиб ўтган мазкур тадбирда миллий дорбозлик ўйинлари, полвонлик, масхарабозлик, анъанавий цирк санъати ва халқ ўйинлари намойиш этилди. Тадбир сўнгида танлов шартлари бўйича ғолиблар аниқланди. Лапар ижрочилиги бўйича олтинкўллик Шаҳноза Искандаровага тенг келадигани топилмаган бўлса, Андижон шаҳрилик Рустам Маматқулов ва Зоҳид Мамадалиев катта ашулани маромига етказиб айтишди.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

**М. КАРИМОВА.**

# МАҲОРАТ, ИҚТИДОР ВА ҚОБИЛИЯТ НАМОЙИШИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадиий академияси Бадиий ижодкорлар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бир қатор ташкилотлар томонидан уюштирилган “Тасвирий санъат+5” ижодий ҳафталиги якунланди.***

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб, “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда санъатшунос олимлар, маданият арбоблари, рассомлар, санъатга ихтисослаштирилган олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб-интернатларининг иқтидорли ёшлари, дипломатик корпус вакиллари, шунингдек, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев, маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Б. Аҳмедов, Ўзбекистон амалий санъат музейи директори Н. Толипова, Ўзбекистон халқ рассоми Б. Жалолов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида маданият ва санъатни ривожлантиришга юксак эътибор берилаётгани, бу соҳада ижод қилаётган ёшларга беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлашди. Зеро, мустақиллик йилларида барпо этилган музейлар, санъат кошоналари, галереялар, кўргазма заллари, тасвирий санъатга ихтисослаштирилган таълим даргоҳлари бунинг яққол далилидир.

Анжуман

“Тасвирий санъат+5” ижодий ҳафталиги доирасида “Меҳринг билан яшайман, Ватан!”, “Нақшу нигорларда акс этган садо” кўргазмалари, шунингдек, “Ёш ижодкорлар куни” тадбирлари бўлиб ўтди. Шу билан бирга, ёш санъаткорлар машҳур рассом ва ҳайкалтарошлардан маҳорат сабоқларини олдилар. Бу йилги тадбирнинг ўтган йиллардагидан фарқли жиҳати, олий ўқув юртлари талабалари учун алоҳида кўргазма заллари ажратилиб, уларнинг ўз иқтидорларини намоён этишлари учун зарур барча шароит яратиб берилди.

Ижодий ҳафталик сўнгида тадбирнинг энг фаол иштирокчилари Ўзбекистон Бадиий академиясининг диплом ва медаллари билан тақдирландилар.

— Халқимизда “Интилганга толе ёр”, деган мақол бор, — дейди олтин медаль соҳиби, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Ғайрат Жўраев. — Не бахтки, биз интилганимиз сайин юксак чўққиларни забт этаяпмиз. Мақсадим, миллий ва замонавий кулолликни уйғунлаштирган ҳолда, санъатнинг ноанъанавий йўналишида ижод қилишдир.

Тадбир якунида иштирокчилар учун ёш хонандалар, болалар гуруҳлари ижросида концерт дастури намойиш этилди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

## кундузги бўлимини 2010 — 2011 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақида статистик маълумот

БАКАЛАВРИАТ — Касб таълими

| № | Таълим йўналишлари, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Озиқ-овқат технологияси | | Технологик машина ва жиҳозлар (Озиқ-овқат) | | Нефть ва газ иши | | Иқтисодиёт | | Маркетинг | | Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси | | Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноат буюмлари кимёвий технологияси | | Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси | | Енгил саноат маҳсулотлари технологияси | | Информатика ва ахборот технологияси | | Электр энергетикаси | | Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши | | Менежмент | | Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш | | Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш, жиҳозлаш ва автоматлаштириш | | Технологик машина ва жиҳозлар (Енгил саноат) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| Бухоро вилояти | Бухоро шаҳри | 7 | 4 | 2 | 2 | 7 | 8 | 8 | 28 | 2 | 4 | 5 | 6 | 1 | 3 | 1 | | 5 | 4 | 8 | 25 | 6 | 8 | 2 | 1 | 7 | 16 | 3 | 4 | 1 | 2 | 2 | 1 |
| Бухоро вилояти | Когон тумани | 2 | 1 | 1 | 3 | 3 | 9 | | 4 | | | | | | | 1 | | 1 | 1 | 4 | 9 | 3 | 2 | | | | 5 | | 3 | 2 | 1 | | |
| Бухоро вилояти | Бухоро тумани | 1 | | 2 | 1 | 1 | 5 | 4 | 5 | | 3 | | 2 | | | | | | 1 | 1 | 11 | 2 | 3 | 3 | 3 | 2 | 1 | 1 | 2 | | 1 | | |
| Бухоро вилояти | Жондор тумани | 1 | 1 | 1 | | | 4 | | 2 | 1 | | 1 | 4 | | | 1 | 1 | | | 1 | 5 | | 4 | | 1 | 1 | 2 | | 2 | 1 | | | |
| Бухоро вилояти | Вобкент тумани | | 2 | 4 | 1 | 4 | 3 | 3 | 11 | 1 | 1 | 3 | 3 | | | | | 1 | 2 | 5 | 5 | 4 | 2 | | | 1 | 2 | 3 | 1 | | 1 | | |
| Бухоро вилояти | Ромитан тумани | | | | | 1 | 1 | 1 | 13 | | 1 | 1 | 1 | | | 1 | | | | 3 | 3 | 2 | | | 2 | | 4 | 2 | | | 1 | | |
| Бухоро вилояти | Шофиркон тумани | 1 | | 1 | 3 | 6 | 4 | 2 | 6 | | 1 | 1 | 2 | | | | 1 | 2 | 6 | 13 | 12 | 9 | 10 | 1 | | | 5 | 4 | 2 | 1 | 2 | | |
| Бухоро вилояти | Ғиждувон тумани | | | 1 | 3 | | 3 | 2 | 9 | | | 1 | 3 | 1 | | 1 | | | 1 | | 4 | 1 | 6 | 1 | 1 | 3 | 5 | | 2 | | 1 | | |
| Бухоро вилояти | Қоракўл тумани | 2 | | | | 1 | 5 | 1 | 3 | | | | 2 | | | | | | | 1 | 3 | | 2 | 1 | 1 | 3 | 2 | 1 | 1 | | | | |
| Бухоро вилояти | Олот тумани | | | | 2 | 2 | 3 | | 1 | | | | 1 | | | | | | | 4 | 3 | | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | | | | |
| Бухоро вилояти | Пешку тумани | 1 | 1 | | | | 3 | 1 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | | | | | 1 | 2 | 1 | 2 | | | 1 | 4 | | 2 | | | | |
| Бухоро вилояти | Қоровулбозор тумани | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | 1 | | | | | 1 | | | |
| Бухоро вилояти | **Жами** | **15** | **9** | **12** | **15** | **25** | **49** | **23** | **83** | **5** | **10** | **14** | **24** | **3** | **3** | **5** | **2** | **9** | **15** | **41** | **84** | **28** | **40** | **8** | **10** | **18** | **47** | **15** | **21** | **6** | **9** | **2** | **1** |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Навоий вилояти | 2 | 5 | | 1 | 3 | 5 | 1 | 6 | | 1 | 3 | 1 | | | 1 | | 2 | | 2 | 4 | 4 | 6 | | 1 | 3 | 5 | 2 | 1 | | 1 | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қашқадарё вилояти | 4 | 1 | | 1 | | 3 | 1 | 5 | | | 3 | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | 1 | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Самарқанд вилояти | 1 | 2 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | | 1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Хоразм вилояти | 1 | 1 | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Сурхондарё вилояти | 1 | 1 | | | | | | 3 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Жиззах вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Андижон вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Наманган вилояти | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | **Жами** | **9** | **10** | | **3** | **3** | **8** | **2** | **15** | | **1** | **7** | **2** | | | **2** | **1** | **2** | | **3** | **6** | **6** | **8** | | **1** | **4** | **5** | **4** | **2** | | **1** | | **1** |
| | **УМУМИЙ СОНИ** | **24** | **19** | **12** | **18** | **28** | **57** | **25** | **98** | **5** | **11** | **21** | **26** | **3** | **3** | **7** | **3** | **11** | **15** | **44** | **90** | **34** | **48** | **8** | **11** | **22** | **52** | **19** | **23** | **6** | **10** | **2** | **2** |

БАКАЛАВРИАТ (давоми)

| № | Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси | | Озиқ-овқат технологияси | | Технологик машина ва жиҳозлар (Озиқ-овқат) | | Электр энергетикаси | | Тўқимачилик, енгил ва қоғоз саноат буюмлари кимёвий технологияси | | Технологик машина ва жиҳозлар (Енгил саноат) | | Нефть ва газ иши | | Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси | | Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши | | Менежмент | | Енгил саноат маҳсулотлари технологияси | | Жами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| Бухоро вилояти | Бухоро шаҳри | | 1 | 2 | 2 | 1 | 1 | | 7 | 1 | | | | 9 | 17 | 7 | 9 | 7 | 8 | 9 | 29 | 3 | 3 | 106 | 193 |
| Бухоро вилояти | Когон тумани | | | | | 2 | | 1 | 4 | 1 | 1 | | | 9 | 21 | | 7 | 3 | 4 | 5 | 8 | | | 38 | 83 |
| Бухоро вилояти | Бухоро тумани | 1 | 2 | 2 | 2 | | | 1 | 3 | | 1 | 1 | | 4 | 2 | | 2 | 4 | 3 | | 2 | | 1 | 30 | 56 |
| Бухоро вилояти | Жондор тумани | 1 | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | | | 3 | 10 | 1 | 3 | | | | 5 | | | 16 | 45 |
| Бухоро вилояти | Вобкент тумани | 2 | 1 | 2 | | 1 | 1 | | 2 | | | 1 | 1 | 1 | 4 | | 1 | | 1 | 2 | 9 | | | 38 | 54 |
| Бухоро вилояти | Ромитан тумани | 2 | 2 | 1 | | | | | | 1 | | | | | 8 | 3 | 8 | | 1 | | 5 | | | 18 | 50 |
| Бухоро вилояти | Шофиркон тумани | | 3 | | | | 1 | 6 | 3 | | | 1 | | 6 | 4 | | 4 | | 2 | 1 | 3 | 1 | | 56 | 74 |
| Бухоро вилояти | Ғиждувон тумани | 2 | 1 | | 1 | | | 1 | 3 | | | | | | 4 | 1 | 2 | | | 1 | 2 | | | 16 | 51 |
| Бухоро вилояти | Қоракўл тумани | | 1 | | | | | 1 | 1 | | | | | 4 | 1 | | 3 | 1 | | | 5 | | | 16 | 30 |
| Бухоро вилояти | Олот тумани | | | | | 1 | | | 4 | | | | 1 | 3 | 5 | 1 | 2 | | | | 1 | | | 12 | 27 |
| Бухоро вилояти | Пешку тумани | 4 | | | | 1 | | 1 | 1 | | | | | 1 | 7 | 2 | 2 | | | 4 | 2 | 1 | | 23 | 27 |
| Бухоро вилояти | Қоровулбозор тумани | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | 2 | 7 |
| Бухоро вилояти | **Жами** | **12** | **11** | **8** | **5** | **6** | **3** | **12** | **29** | **4** | **3** | **3** | **2** | **40** | **84** | **15** | **43** | **15** | **19** | **22** | **72** | **5** | **4** | **371** | **697** |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Навоий вилояти | 4 | 3 | 1 | | | | 4 | 3 | | | | | 5 | 8 | | 3 | | 1 | | 6 | | | 37 | 61 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қашқадарё вилояти | | 2 | | | | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | | | 11 | 19 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Самарқанд вилояти | | 1 | | | | | | | | | | | | 3 | | | | | | 1 | | | 2 | 10 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Хоразм вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 4 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Сурхондарё вилояти | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | 4 | 5 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Жиззах вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Андижон вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | | | | | | | 2 | 3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Наманган вилояти | 1 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | 2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | **Жами** | **5** | **6** | **2** | | | | **4** | **4** | **1** | | | | **5** | **16** | **1** | **6** | | **1** | | **8** | | | **60** | **105** |
| | **УМУМИЙ СОНИ** | **17** | **17** | **10** | **5** | **6** | **3** | **16** | **33** | **5** | **3** | **3** | **2** | **45** | **100** | **16** | **49** | **15** | **20** | **22** | **80** | **5** | **4** | **431** | **802** |

МАГИСТРАТУРА

| № | Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини сақлаш, дастлабки ишлов бериш | | Нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси | | Қурилиш конструкциялари, бинолар ва иншоотлар | | Озиқ-овқат саноати машина ва агрегатлари | | Нефть ва газ конларини ишга тушириш ва улардан фойдаланиш | | Озиқ-овқат хавфсизлиги | | Электр энергетикаси | | Озиқ-овқат технологияси | | Йигирув технологияси | | Жами | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| Бухоро вилояти | Бухоро шаҳри | 1 | | 1 | 2 | 2 | | 1 | | 1 | 4 | 1 | | 1 | 5 | 1 | 3 | | 3 | 9 | 17 |
| Бухоро вилояти | Когон тумани | | | 1 | 3 | | 2 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | 2 | 8 |
| Бухоро вилояти | Бухоро тумани | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 1 |
| Бухоро вилояти | Жондор тумани | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | | 2 |
| Бухоро вилояти | Вобкент тумани | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 |
| Бухоро вилояти | Ромитан тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро вилояти | Шофиркон тумани | | | | | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | 1 | | 1 | 4 |
| Бухоро вилояти | Ғиждувон тумани | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | 2 |
| Бухоро вилояти | Қоракўл тумани | 1 | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | 2 |
| Бухоро вилояти | Олот тумани | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 |
| Бухоро вилояти | Пешку тумани | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | 1 | |
| Бухоро вилояти | Қоровулбозор тумани | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Бухоро вилояти | **Жами** | **2** | **1** | **2** | **5** | **2** | **5** | **2** | **2** | **1** | **8** | **1** | **2** | **2** | **8** | **1** | **3** | **2** | **4** | **15** | **38** |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Навоий вилояти | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | 2 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қашқадарё вилояти | | | | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Самарқанд вилояти | | 1 | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | 3 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Хоразм вилояти | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент вилояти | | | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 | 1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Сурхондарё вилояти | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 2 | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Жиззах вилояти | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Андижон вилояти | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Қорақалпоғистон Республикаси | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | Наманган вилояти | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлар | **Жами** | | **2** | | **2** | | | | | **1** | **1** | **2** | **5** | | | **1** | **1** | | | **4** | **11** |
| | **УМУМИЙ СОНИ** | **2** | **3** | **2** | **7** | **2** | **5** | **2** | **2** | **2** | **9** | **3** | **7** | **2** | **8** | **2** | **4** | **2** | **4** | **19** | **49** |

**Бизнинг манзил: Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев кўчаси, 15-уй. Телефонлар: (8-365) 223-61-97, 223-78-84.**

573R/472

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 403. 69417 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.05 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5